



**АКТ СОҲАСИ  
ВАКИЛЛАРИ  
ДАВЛАТ  
МУКОФОТИГА  
САЗОВОР  
БЎЛИШДИ**  
3-бет.



**ОБСУЖДЕНЫ  
ВОПРОСЫ ПО  
РАЗВИТИЮ  
ВРО-УСЛУГ  
С УЧАСТИЕМ  
КОМПАНИИ  
"SARKOR TELEKOM"**  
5-бет.



**ҚЎЛДА ЁЗИЛГАН  
МАТНИИ  
ЭЛЕКТРОНГА  
АЙЛАНТИРУВЧИ  
ҚУРИЛМА**  
6-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

# Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN.

**10** (1536)-son  
11-mart  
**2022**

@xabaruzofficial  
@xabaruzofficial  
facebook.com/xabar.uz/

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

## АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ – МАНГУ ҚАДРИЯТ

Тошкент давлат университети, ҳозирги Ўзбекистон миллий университетида ўқиб юрган кезларим ишласам ота-онамга ёрдам бўлади, деб ўйладим. Икки опам олий маълумот олишаётган бир пайтда ота-онам ўн нафар ўсиб келаётган укаларим ва сингилларимни ҳам ҳадемай ўқитишлари, оёққа қўйишлари керак эди. Шу боис ҳам ўқиб, ҳам ишламоқчи бўлдим. Аллақанча жойларга бош суқиб, ярим штат туғул, 0,25га ҳам ишга киролмадим. Ҳамма жойда қисқа ва совуқ яккаш жавоблар олдим: "Сиз ўқишингизни билинг!"

Илм сарҳадларини эгаллаш, олима бўлиш орзусини дилимга тугиб қўйгандим... Минг-минг надоматлар бўлсинки, катта-кичик тўсиқларга дуч келдим. Хуллас, йиғлай-йиғлай бу орзуимни юраккинамнинг туб-тубига кўмдим-у тақдирга тан берганча, журналистика оламига бошим билан шўнгиб кетдим. Бутун аламларимни ишдан олдим.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиалида аёлларга эҳтиром таянмасида ўтирар эканман, ана шулар хаёлимдан кино лентасидай бир-бир ўтди. Ҳамкасб аёллар-у ёш-ёш қизларимизнинг гўзал чеҳраларида хушнудлик барқ уриб турибди. Бинобарин, баҳорнинг илк кунидан, яъни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ва уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган селектор йиғилишини кўрган ва тушунган аёл борки, руҳияти яйраб, қалбида шукроналик туғёнлари жўш урмоқда. Аёлларга ғамхўрлик шунчалар ҳайратланарли, имтиёزلарни санаб охирига ега олмайсиз. Аҳамиятини сананг, адоғи йўқ.



## АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИ ЎСИШИ ЮҚОРИ ҚУДУДЛАР (ТОП-7)

(2022 йилнинг январ ойи 2021 йилнинг январ ойига солиштирилганда)

1. Тошкент шаҳри – 137,0 фоиз
2. Тошкент вилояти – 124,5 фоиз
3. Сирдарё вилояти – 122,4 фоиз
4. Сурхондарё вилояти – 121,4 фоиз
5. Хоразм вилояти – 120,3 фоиз
6. Фарғона вилояти – 119,5 фоиз
7. Жиззах вилояти – 119,3 фоиз



Манба: Давлат статистика қўмитаси

## АЛОҚА ТАРИХИ МУЗЕЙИДА ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯ



Бугун, 10 март куни алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг ривожланиш босқичларини ҳамда ютуқларини ўзида мужассам этган Алоқа тарихи музейида "Ўзбекистон Республикаси почта маркалари Давлат коллекцияси" деб номланган янги экспозициянинг очилиш тадбири бўлиб ўтди. Маросимда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов ҳамда "Ўзбекистон почтаси" АЖ бош директори Алишер Файзуллаев қатнашди.



### Маслаҳат

## РОСТГҲЙЛИК, МАСЪУЛИЯТ ВА ТУШУНИШ

Ёшларга 45 йиллик тажрибага эга дастурчидан 6 қимматли ўғит

Бугунги замонавий дунёда жуда қадрланадиган, келажаги порлоқ ва анчагина даромадли касблардан бири дастурчиликдир. Ўзбекистонда ҳам бу соҳага қизиқаётган ёшлар сони ортиб бораётгани қувонарли, албатта. Шу боис, уларга дастурчиликда катта муваффақиятларга эришган таниқли кишиларнинг маслаҳатлари зарар қилмайди, деб ҳисоблаймиз.



эга. Нафақага чиқишдан олдин у Vti360 компаниясидаги ҳамкасблари билан узоқ йиллик фаолияти давомида ўрганган сабоқлари билан ўртоқлашди.

"Дастурий таъминот соҳасида ўтган қирқ йиллик тарихга назар ташлар эканман, жуда кўплаб ўзгаришлардан ҳайратдаман. Мен карерамни перфокартлардан бошладим ва булутли ҳисоблаш даврида яқунлапман. Шунга қарамай, фаолиятим давомида менга ёрдам берган кўплаб тамойиллар ўзгармади ва улар ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Клавиатурадан узоқлашар эканман, дастурий таъминот муҳандиси сифатидаги фаолиятим давомида англаб етган олти та муҳим гоёни сизлар билан бўлишишни хоҳлайман".





## Жумадан жумагача

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 4 март куни олий ўқув юртлиари талабалари бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазибаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда қайд этилганидек, бугунги кунда талабалар ишлаши мумкин бўлган 105 мингта вакант иш ўрни мавжуд. Йиғилишда бу ишларни тизимли ташкил этиш учун Бош вазир раҳбарлигида республика комиссияси тузилиши маълум қилинди. Шунингдек, вилоят ҳокимлари бошчилигида ҳудудларда ҳам шундай комиссиялар ташкил этилади.

Халқаро конгресс марка-зида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев аёлларни самимий табриклаб, уларга юксак эҳтиромини билдирди. Тадбирда чет эллик дипломат аёллар, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳам иштирок этди. Байрам тантанали концерт дастури билан давом этди.

Президент Шавкат Мирзиёев 7 март куни Тошкент шаҳрида режалаштирилган қурилиш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тақдироти билан танишди. Яшнобод туманида Олимпия шаҳарчаси қурилиши режалаштирилган. Унинг лойиҳаси Англиянинг “Agur” муҳандислик компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Тақдимотда ушбу лойиҳа ва “Яшил макон” умумий лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган режалар кўриб чиқилди.

7 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тармоқ ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича жорий йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш борасида ҳукумат томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Эрон Ислмо Республикаси Миллий ҳафсизлик олий кенгаши котиби Али Шамхоний бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон-Эрон муносабатларини янада кенгайтириш масалалари ва минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 9 март куни “Янги Наманган” шаҳарчасининг иккинчи босқичи лойиҳаси билан танишди. Наманган вилоятида кичик саноат зоналари инфра-тузилмасини яхшилаш, ички йўллар ва ичимлик суви тармоқларини таъмирлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон эълон қилинди.



# АЛОҚА ТАРИХИ МУЗЕЙИДА ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯ

Почта маркалари Давлат коллекциясида 1500дан ортиқ маркалар мавжуд. “Янги Ўзбекистон”, Ўзбекистон амалий санъати, тарихий шахслар, флора, фауна каби бир нечта йўналишларга бағишланган маркалар туркуми коллекциядан ўрин эгаллаган ва улардан энг қадимийси “Нодира” почта маркаси. Ушбу марка ХХ асрнинг таниқли ижодкори Моҳларойим Нодиранинг 200 йиллик таваллудига бағишланади.

Эслатиб ўтамай, соҳанинг ривожланиш босқичлари ва ютуқларини ўзида акс эттирувчи Алоқа тарихи музейи тизимдаги корхона ва ташкилотлар ташаббуси билан 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, 2009 йил 24 октябрда расман очилган ва ўз фаолиятини бошлаган.

Ҳозирги кунда Алоқа тарихи музейи республиканинг энг нуфузли музейлари қаторидан жой олган. Унинг экспозиция зали 5та бўлимдан иборат бўлиб, почта алоқаси,

телеграф-телефон алоқаси, радио-телевидение, мобил алоқаси ва соҳанинг мустақиллик йилларидаги ривожланиш тарихини ўз ичига олган.

Бўлимлардаги экспозициялар жойлашув уйғунлиги соҳанинг босқичма-босқич ривожланишини акс эттиради. Ҳар бир бўлим ўз экспонатларининг илк, ривожланиш ҳамда ҳозирги кундаги ҳолатини давр руҳида намоён этади.

## Олий таълим муассасаларида

# Танишинг, бу ИНҲА!

Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети аби-туриентлар учун вилоятларда ўз тақдимотларини ўтказмоқда.

Ушбу тадбирлардан мақсад нафақат пойтахтда, балки мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам мактаб, лицей ва коллеж битирувчилари учун

ИНҲА университетининг имкониятларини намойиш этишди. Битирувчилар университетда қайси йўналишлар мавжудлиги, нима учун бу университет Ўзбекистондаги етакчи олий ўқув юрти-ридан бири ҳисобланиши ва диплом олгач, уларни қандай касбий фаолият истиқболлари кутаётгани ҳақида маълумотга эга бўлмоқдалар.

# Стипендиатлар тақдирланди

Тошкент ахборот технологиялари университетига давлат ва соҳа стипендияларига лойиқ деб топилган талаба-ёшларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ТАТУ ва унинг ҳудудий филиаллари талабаларининг жами 44 нафари давлат ва соҳа стипендияларига эга бўлишди. Таъкидлаш жоизки, ўтган йилга нисбатан стипендия соҳиблари қарийб 50 фоизга ошди. Жумладан, Президент стипендиати уч нафар, Беруний стипендиати саккиз, Ислмо Каримов номидаги стипендия соҳиблари икки нафар ва соҳа стипендиатлари (Муҳаммад ал-Хоразмий) 29 нафарни ташкил этмоқда.

2021/2022-ўқув йилидан Тўлепберген Кайипбергенов ва Ибройим Юсупов давлат стипендиялари таъсис этилди ҳамда мазкур стипендияларга ТАТУ Нукус филиали икки нафар талабаси сазовор бўлди.



# АКТ соҳаси вакиллари

## Давлат мукофотиغا сазовор бўлишди



8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, хусусан, мўътабар аёл зотида ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзининг самарали меҳнати, бой амалий тажрибаси билан юртимизда олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнида фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига қатта ҳисса қўшаётган хотин-қизларимизни муносиб қадрлаш мақсадида бир гуруҳ юртдошларимиз мукофотланди. Жумладан, АКТ соҳасида фаолият кўрсатаётган уч нафар хотин-қизнинг ҳам меҳнатлари муносиб баҳоланди.



“Ўзбектелеком” АК Хоразм филиали Гурлан туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Муқаддас Каримовна Матмуратова “Шухрат” медали билан тақдирланди.

Унинг раҳбарлигида туманда FTTx ва GPON технологияси асосида юқори тезликдаги интернет, видеотелефония, IP телефония, интерактив телевидение хизматларини кўрсатиш имкониятлари яратилган ҳамда мижозларга кўрсатилаётган телекоммуникация хизматларидан олинган даромадлар сезиларли ошган. Кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида Муқаддас Матмуратова 30дан ортиқ ёшларга ўзининг касб маҳоратини ўргатган. Унинг раҳ-

барлиги даврида боғламада сўнгги уч йил давомида ТАТУ битирувчиларидан 9 нафари ва касб-ҳунар мактаблари битирувчиларининг 15 нафари иш билан таъминланган. Муқаддас опа бундан икки йил олдин, Халқаро хотин-қизлар байрамига атаб Президентдан олгин соатни совға сифатида олган эди.

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси”да стартап лойиҳалар менежери Севара Бахромова Палвонова ҳам ушбу фармон асосида “Келажак бунёдкори” медалига сазовор бўлди.

Севара ҳудудда ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш, янги ёш истеъодларни тайёрлаш, ишсиз ва касбсиз хотин-қизларни касбга йўналтириш ҳамда бандлигини таъминлаш борасида самарали меҳнат қилиб келмоқда. У кўплаб кўрик-танловлар, грантлар, стипендиялар совриндори. Жумладан, “Ўзбекистон хотин-қизларнинг 100та энг яхши инновацион лойиҳаси”, “Йил талабаси” танловида, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги стипендияси, PERSPEKTIVY women in Tech Summit-2019 Варшава шаҳрига грант, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия, “Ўзбекистон учун 100 го‘я” ғолибаси, вилоятда IT соҳасининг ривожланишида ва ёшлар ора-



сида стартап лойиҳаларни ривожлантиришда турли хил танлов ва беллашувлар, Nakaton, Ideaton, Start-up танловлар ва киберспорт мусобақалари ташкилотчисидир.

Севара Палвонова IT-Паркнинг Хоразм вилоятида стартап лойиҳалари менежери лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Иш фаолияти давомида вилоят ёшлари ўртасида стартап экотизимини ривожлантириш, университетларда инкубацион марказлар ташкил қилиш ҳамда вилоятда хотин-қизларнинг компютер саводхонлиги ва дастурлаш соҳасидаги билимларини оширишга қаратилган TechBika лойиҳаси Хоразм вилояти бош координатори вазифасини ҳам бажармоқда.

Яна бир юртдошимиз Бахромова Дурдона Салим қизи “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланди. У Америка Қўшма Штатлари Super dispatch компаниясининг Тошкент шаҳридаги дастурчиси ҳисобланади.

Дарвоқе, дунёга машҳур Американинг CNN телекомпанияси Дурдона Бахромова ҳақида The Generation Next лойиҳасида махсус лавҳа тайёрлаган эди. Ўз навбатида, Ict.xabar.uz ҳам Дурдона Бахромова билан “Нега аёллар IT соҳасида ишламасликлари керак?” мавзусида видеоинтервью уюштирган эди. У сўхбат жараёнида “айти” соҳасидаги уч йиллик тажрибасидан келиб чиқиб, ушбу соҳа айнан хотин-қизлар учун жуда мос эканлигини алоҳида таъкидлаган.

“Айти”да муваффақиятга эришиш учун тил билиш жуда муҳим ҳисобланади, негаки дастурлаш учун ягона тил – инглиз тилидир. Шу вақтгача яратилган барча дастурий таъминот айнан шу тилда юритилади. Бу тилини билмасдан туриб “айти”ни ўрганиш жуда қийин кечилиши тайин. Яна бир муҳим жиҳати “Муаммоларни еча билиш қобилияти”дир, бунга эса математикани ўрганиш орқали етиб келиш мумкин. Энг муҳим ва энг асосий нарсалардан яна бири бу – сабр. Кўпчилик айнан шу ерга келганда таслим бўлади. Айтилик сиз инглиз тилини биласиз, муаммоларни ҳал қила олиш қобилиятингиз шаклландан, энди билим ва кўникмаларингиз сизга муваффақият келтириши учун сиздан яхшигина сабр талаб этилади”, – дейди Дурдона.

У бор-йўғи 25 ёшда бўлса-да, IT оламига кўпроқ аёллар ва ёшлар қўшилишига ундашни мақсад қилган. Давлатимизнинг юксак мукофотлари сазовор бўлган бу опа-сингилларимизни табриклаб, ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Сайёр қабул

### МУРОЖААТЛАР КОМПЛЕКС ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ўтган йили Жиззах вилоятининг 11та туманида сайёр қабуллар ўтказилди. Тадбирларда вилоятдаги соҳа корхоналари ҳамда компания раҳбарлари иштирок этиб, аҳолининг мурожаатлари тингланди. Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган сайёр қабулларда 500дан зиёд фуқаролар иштирок этди.

Фуқаролардан жами 105та мурожаатлар келиб тушган бўлса, шундан 68та мурожаат ижобий ҳал қилиниб 37таси бўйича тушунтириш берилиб, назоратга олинди.

Ўтган 2021 йилда вилоятда замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 60,9 минг рақамли 30та замонавий телекоммуникация қурилмалари ўрнатилиб, станциялар сони 153тага ва умумий сизими 142,7 минг рақамга етказилди. Шунингдек, 2021 йилнинг ўтган даври давомида 1466 км. оптик толали алоқа линиялари қурилиб, вилоятда оптик толали алоқа линияларини умумий узунлиги 4,4 минг км.га етказилди. Шунингдек, мобил алоқа қамровини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида 2021 йил давомида 51та янги база станциялар ўрнатилди ва 174та мавжуд база станциялар модернизация қилиниб, аҳоли масканлари мобил алоқа билан 96 фоизга ҳамда мобил интернет хизмати билан 82 фоизга қамраб олинди.

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш билан бир қаторда вилоятдаги 983та ижтимоий соҳа объектининг барчасига, жумладан, 582та халқ таълими, 212та мактабгача таълим, 189та тиббиёт муассасаларига оптик толали алоқа линиялари ҳамда радиоалоқа тармоқлари қурилиб, юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Вилоятдаги 299та МФЙлардан 280тасида (93 фоиз) юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Бугунги кунда қолган 19та МФЙларни тармоққа улаш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 50та почта алоқаси объектларида Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланилган ҳолда электрон давлат хизматлари ва АТ “Алоқа-банк” билан ҳамкорликда PaySys тўлов тизими орқали аутсорсинг асосида банк хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди.

Почта жўнатмалари ва даврий матбуот нашрларини ҳамда курерлик жўнатмаларини етказиб беришни тақомиллаштириш мақсадида тўртта Volkswagen Caddy русумли автомобил, “боғлама-мижоз” схемаси асосида почта жўнатмаларини олиб манзилгача етказиб бериш амалиётини жорий этиш мақсадида почта алоқа бўлимлари 22та электроскутерлар билан таъминланди.

Лазизжон МЕЛИБОВЕВ,  
АКТ вазирлигининг  
Жиззах вилояти ҳудудий  
бошқармаси етакчи  
мутахассиси

# АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ – МАНГУ ҚАДРИЯТ

2022–2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълими-ни қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқишини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Магистратурада ўқийётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қопланиши, жамиятда олима аёллар улушини сезиларли равишда ошириш учун докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300тадан мақсадли квота ажратилишини-чи?.. Қанчалар буюқ бурилиш! Бу бурилиш моҳиятини бугунги давр ёшларидан кўра биз теранроқ англаймиз. Дастур доирасидаги ишларга миллиардлаб, триллионлаб сўм маблағ ажратилиши белгилаб қўйилибди. Бундай янгиланишлар миқёсини ҳатто академик аёллар орзу қилмагандир. Олий-гоҳлар қошида малакани белгилаш маркалари, “Оқида аёллар”, “Олима аёллар” ҳаракатлари ташкил этилишини, 2022–2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастури қабул қилинишини-чи, тасаввур этганмисиз?

Бу чора-тадбирлару режалар, қатор имтиёзлар ҳеч қанча



ўтмай ўз натижасини беради, албатта. Ҳа, булар тушимизда эмас, ўнгимизда содир бўляпти. Янгиланаётган Ўзбекистонимизнинг порлоқ эртаси, Учинчи Ренессансни яқинлаштириш талаблари ва эҳтиёжлари ҳам шунини талаб этмоқда. Ҳар бир оналару опа-сингиллар бу тарихий ҳужжатлардан хулоса чиқариб, азиз ва муқаддас Ватанимиз тараққиётига баҳоли қудрат ўз хиссасини қўшмоғи шарт ва зарур.

Айни дамларда янги кун, янги нафас, эрка навбахорнинг бутун таровати филиалнинг шинам ва кўркам боғчасига

кўчган эди. Директор Владимир Ежков ҳамда филиал бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси Муроджон Азамовларнинг табрик сўзлари Президентимизнинг тарихий қарорига ҳамоҳанг янгради. Иззат-икром ва эъзоз рамзи бўлган совғалар қутлуғ кун соҳибалари – филиал бўйича жами 215 нафар хотин-қизларнинг кўнгилларига баҳорий шодликлар, хушбахтлик онларини тухфа этди.

Ҳафиза САЛҲАҲОВА,  
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

## ТАЪЗИМ СИЗГА!

Аёлларимиз, хотин-қизларимиз барча макон ва замонларда илҳом манбаи бўлиб келган: шоирларимиз ашъорлар битган, мўйқалам соҳиблари янги асарлар яратган, жаҳонгирлар уларга-да атаб иморатлар барпо этган. Одий, содда ва самимий сўзлар билан айтганда, улар бизнинг борлигимиз ва борлигимиздир.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиалида 8 март – Хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирида ана шулар ҳақида эсланди. Филиал директори Ойбек Қодиров байрам сабабчилари – почтачи хотин-қизларни самимий табриклаб, вилоят почта тизимида эришилаётган ютуқларда уларнинг ҳам муносиб ўрни борлигини таъкидлади.

Шу кунни филиал маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси томонидан уларга байрам совғалари ҳада этилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
“Xabar”нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Объявление!

## СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ “ALSKOM”

Регистрационный номер 109 от 15.01.2009г. реестр 005178-09 Адрес: г.Ташкент, ул.А.Темур, 109.

### БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС за 2021 год (тыс. сум)

ПОКАЗАТЕЛИ	На начало отчетного периода	На конец отчетного периода
<b>Активы</b>		
Долгосрочные активы	50 174 437,6	52 027 834
Дебиторы	4 230 216,5	5 400 029,7
Денежные средства	1 849 634,9	6 170 777,9
Краткосрочные инвестиции	51 962 199	60 820 143,50
Прочие текущие активы	1 554 763,10	1 030 304,70
<b>Всего по активу баланса</b>	<b>109 771 251,10</b>	<b>125 449 089,80</b>
<b>Пассивы</b>		
Уставной капитал (фонд)	25 098 554,0	30 107 954,0
Резервный капитал	10 926 645,7	10 520 356,5
Нераспределенная прибыль	4 889 667,3	8 822 515,7
Страховые резервы	65 928 176,8	71 754 534,7
Доля перестраховщиков в страховых резервах	2 279 401,0	3 091 097,4
Прочие пассивы	648 806,3	1 152 631,5
<b>Всего по пассиву баланса</b>	<b>109 771 251,10</b>	<b>125 449 089,80</b>

### ФИНАНСОВЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ за 2021 год (тыс. сум)

ПОКАЗАТЕЛИ	За соответствующий период прошлого года		За отчетный период	
	Доходы (прибыль)	Расходы (убыток)	Доходы (прибыль)	Расходы (убыток)
Доходы от оказания страховых услуг	38 940 579,16	x	44 600 423,7	x
Другие доходы от оказания страховых услуг	4 161,17	x	x	x
Себестоимость оказанных страховых услуг		38 140 411,60		46 726 124,89
Валовая прибыль (убыток) от оказания страховых услуг	804 328,73			2 125 701,16
Расходы периода, всего	x	10 304 122,9	x	11 326 888,82
Прочие доходы от основной деятельности	1 421 783,90	x	9 444 088,08	x
Прибыль (убыток) от основной деятельности	x	8 078 010,30		4 008 501,9
Доходы от финансовой деятельности, всего	8 339 975,39	x	8 859 821,33	x
Расходы по финансовой деятельности, всего	x	4 309 69	x	22 937,65
Прибыль (убыток) до уплаты налога на прибыль	257 655,4		4 828 381,8	
Налоги и обязательные платежи от прибыли	x	54 269,4	x	810 166,68
<b>Чистая прибыль отчетного периода</b>	<b>203 386,3</b>		<b>4 018 215,10</b>	

С полной отчетности Компани за 2021 год можно ознакомиться на сайте [www.alskom.uz](http://www.alskom.uz)  
 Достоверность финансовой отчетности подтверждена Аудиторской организацией ООО «PKF MAK ALYANS» (Лицензия Министерства Финансов РУз Аф №00770 от 05.04.2019)



## ОБСУЖДЕНЫ ВОПРОСЫ ПО РАЗВИТИЮ ВРО-УСЛУГ С УЧАСТИЕМ КОМПАНИИ «SARKOR TELEKOM»

В Министерстве по развитию информационных технологий и коммуникаций состоялась встреча с представителями компании СП ООО «Sarkor Telekom».

Во встрече принял участие первый заместитель Министра по развитию информационных технологий и коммуникаций О.Пекось.

В ходе встречи были обсуждены вопросы дальнейшего расширения деятельности отечественного интернет-провайдера.

Особый упор был сделан на освоении такого перспективного и важного направления, как оказание ВРО-услуг. Как отметили представители компании, в рамках развития данного направления налажено сотрудничество с компанией АО «Аудиотеле»

— одним из лидеров по оказанию аутсорсинговых услуг в России.

Представители компании СП ООО «Sarkor Telekom» выразили готовность к дальнейшему участию в актуальных и масштабных проектах, направленных на внедрение передовых технологий в сфере ИКТ, подготовку и трудоустройство квалифицированных ИТ-специалистов.

## В НАМАНГАНЕ ОТКРЫЛСЯ ВРО SCHOOL



4 марта 2022 года в Попском районе Наманганской области IT-Park при поддержке Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан открыл ВРО School.

В церемонии открытия принял участие заместитель директора IT-Park по региональному развитию Абдулахад Кучкаров, хоким Попского района Азамжон Султанов и другие.

Церемония открытых дверей была проведена для местной молодежи, которая была отобрана в ходе собеседований на обучение в ВРО School.

ВРО School в Попском районе предназначена для обучения сотрудников будущей ВРО-компании предоставлению логистических услуг в США. Первоначально, было принято 110 заявок на обучение в ВРО School. Затем, заключительное собеседование прошли 20 человек.

Обучение будет проходить 1 месяц, в ходе которого студенты ВРО School обучатся всем необходимым навыкам для работы в ВРО-компании.

Напомним, что основной целью школы является обеспечение занятости молодежи, создание возможностей для работы с иностранными компаниями и увеличение экспорта ИТ-услуг.

## С 1 МАЯ ПОКУПАТЕЛИ СМОГУТ ПРОВЕРИТЬ ИСТОРИЮ АВТО ОНЛАЙН

Кабмин утвердил регламент предоставления госуслуги «История автомобиля», сообщает Минюст.

Согласно документу, с 1 мая:

■ внедряется госуслуга по предоставлению информации, относящейся к истории автомобиля, на договорной основе через центры госуслуг, ЕПГУ или веб-сайты и их приложения;

■ в процессе техосмотра в информационную систему в обязательном порядке вносятся сведения о пробеге авто, в том числе субъектами предпринимательства, проводящими техосмотр.

Чтобы получить госуслугу, надо заполнить заявку и оплатить сбор в размере 10% БРВ (27 000 сумов). Сведения формируются в режиме реального времени и предоставляются заявителю.

Справка выдается без указания персональных данных, кроме тех случаев, когда собственник обращается за информацией о его личном авто. Выдаваемые справки носят исключительно информационный характер. Сведения предоставляются о любом автомобиле, зарегистрированном в Узбекистане.

## TOSHIBA РАБОТАЕТ НАД РЕКОРДНЫМ HDD ЕМКОСТЬЮ 40 ТЕРАБАЙТ

Компания Toshiba рассчитывает увеличить емкость своих жестких дисков. Ближайший план компании — представить жесткий диск емкостью 26 ТБ. А к 2027 году ожидается появление жесткого диска емкостью 40 ТБ.

К концу 2022 финансового года, Toshiba представит 10-пластинчатый жесткий диск емкостью 26 ТБ. Компания сохранит агрессивный темп развития и намерена в последующие годы представить 11-пластинчатый диск емкостью 30 ТБ.

Toshiba утверждает, что уже через 5 лет сможет предложить жесткий диск емкостью более 40 ТБ, а именно к концу 2027 финансового года.

## В КИТАЕ ЗАПУСТИЛИ СОБСТВЕННЫЙ СПУТНИКОВЫЙ ИНТЕРНЕТ

Китайская космическая компания GalaxySpace запустила шесть широкополосных спутников на низкой околоземной орбите (LEO) для тестирования своего спутникового интернета.

Global Times сообщает, что в выходные с космодрома Сичан в юго-западной китайской провинции Сычуань были запущены семь спутников для создания первой в стране тестовой группировки широкополосной спутниковой связи LEO.

Каждый спутник GalaxySpace весит около 190 килограммов и имеет пропускную способность более 40 Гбит/с. Сообщается, что в конечном итоге на орбиту планируется запустить 144 спутников компании.

Основанная в 2016 году, компания GalaxySpace привлекла в качестве инвестиций не менее 14,5 млн. долларов и, как сообщается, на данный момент оценивается в 1,2 млрд. долларов.

Компания планирует производить около 200–500 спутников в год.

## В США ОБЪЯСНИЛИ ПРИЧИНЫ НЕУДАЧНОГО ПУСКА РАКЕТЫ ASTRA

Представители американской космической компании Astra назвали две главные причины неудачных пусков своей ракеты Rocket 3.3.

Сообщается, что из пяти пусков, один из которых состоялся 10 февраля с космодрома Кадьяк возле Аляски, успешным был только один. В компании обнаружили две главные причины неудач: неправильная электрическая схема обтекателя полезной нагрузки и сбой в системе управления вектором тяги на разгонном блоке.

В первом случае местами были перепутаны два электрожгута; во втором — ошибки в ПО системы управления. Компания заявила, что все проблемы исправлены.

Как отмечается, ракеты Rocket компании Astra являются самыми дешёвыми в мире.



## ХИТОЙ БУ ЙИЛ 5G СТАНЦИЯЛАРНИ 2 МИЛЛИОНТАДАН ОШИРАДИ

Хитой 2022 йилда 5G таянч станцияларини сонини 2 миллионгадан ошириш устида ишляпти. Бу ҳақда саноат ва ахборот технологиялари вазири Сяо Яцин бугун, 8 март куни ахборот берди.

Хозир Хитойда 1,43 миллионга атрофида 5G таянч станциялари ишлатилляпти, улардан 500 миллиондан ортиқ абонент фойдаланляпти. Бундан ташқари, 6G технологиясини ривожлантиришни режалаштирганмиз, деди вазир.

## ВИДЕОКАРТАЛАР ЕТАКЧИСИ РОССИЯНИ ТАРК ЭТДИ



NVIDIA — график процессорлар ишлаб чиқарувчи жаҳоннинг етакчи компанияси 6 март куни Россия бозорини тарк этишини маълум қилди.

Компаниянинг барча маҳсулотлари сотуви бу мамлакат учун тўхтатилди.

Йирик технология компаниялари Россиядан чиқиб кетяпти. Аввалроқ бу ишни Microsoft, IBM, Intel ва AMD сингари техногигантлар амалга оширганди.

## ҚЎЛДА ЁЗИЛГАН МАТНИИ ЭЛЕКТРОНГА АЙЛАНТИРУВЧИ ҚУРИЛМА



Huawei компанияси электрон китоб ишлаб чиқди — MatePad Paper. Экран диагонали 10,3 дюйм, сенсорли дисплей, симсиз Wi-Fi 6+ технологияси билан ишляпти.

Янги қурилмада қўл ёзувини аниқлаш технологияси мавжуд бўлиб, бу матнларни электрон териб чиқади. Қолаверса, диктофон вазифасини бажара олади, видеофайлларни кўриш мумкин.

Ички хотираси 64 ГБ, оператив хотираси 4 ГБ. Батареяси бир қувват олишда 28 кунгача ишлаб беради. Электрон китоб 500 евро атрофида сотилиши кутуляпти.

## GOOGLE ЙИРИК БИТИМ АРАФАСИДА

Google (Alphabet холдинги) Mandiant кибер-хавфсизлик компаниясини сотиб олмоқчи. Битим қиймати 5,4 миллиард доллар атрофида бўлиши кутуляпти.

Google ҳар йили 19 миллиард доллардан ор-



тиқ даромад келтирувчи булутли бизнесини кучайтириш ҳамда унинг хавфсизлик ечимлари ва консалтинг хизматлари бозоридаги ўрнини мустақамлашни режалаштирган.

## NOKIA ҚИММАТБАҲО СМАРТФОНЛАРДАН ВОЗ КЕЧМОҚЧИ



Nokia бренди қимматбаҳо смартфонлардан воз кечмоқчи. У энди нафақат кўриниши, балки нарх нуқтаи назаридан ҳам чўнтақбоп телефонларни бозорга чиқариш ниятида.

Мазкур бренд MWC 2022 халқаро кўргазмасида ҳам арзон нархлари билан эътиборни тортди. Компания яқин келажақда нархи осмонда бўлган қурилмаларни тақдим этиш ниятида эмас.

Чунки Nokia хариддорлар қизиқадиган нуфузли брендлар билан рақобатлашни имкониятига эга эмас. Бозор шароити ва талабларига мослашишга ҳатто Nokia ҳам мажбур.

## Халқаро ҳаёт

### УКРАИНАНИ ҲАМОНДА 1,5 МИЛЛИОН НИШИ ТАРК ЭТДИ



Украинани тарк этганлар сони Ҳамонда 1,5 миллионгадан ортиқ бўлди, деб баёнот берди БМТ.

Қўшни давлатлар чегараларига элтувчи йўللарда пиёда ва машиналарда кетаётган сон-саноксиз одамлар — бугунги Украина манзараси.

БМТ қочқинлар сони янада ошишидан хавотирда: уларнинг сони 4 миллионгача етиши мумкин...

Урушдан қочиб одамлар Словакия, Венгрия, Молдовага ўтмоқда. Руминияга Украинадан 63 минг нафардан зиёд одам қочиб ўтди. Кимлардир бу мамлакатларда қолишляпти, айримлари йўлда давом этапти.

Қочқинларни энг кўп қабул қилган мамлакат — Польша: шанба куни қочқинлар сони 800 минг нафарга етди. Улар асосан украиналиклар. Бироқ Польша, Беларус, Ҳиндистон, Нигерия, Жазоир, Марокаш, Афғонистон, Покистон, АҚШ ва Россия фуқаролари ҳам бор.


### ОҚ ҲИТОЙНИ ОГОҲЛАНТИРДИ

Оқ уй вакили Жен Псаки Хитойни Ғарб давлатлари Россияга қарши киритган санкцияларга риоя қилмаси АҚШ томонидан жавоб чоралари кўрилиши мумкинлигидан огоҳлантирди.

Псакининг таъкидлашича, ХХР ҳозирча санкция тартибига амал қилляпти.

7 март куни ХХРнинг БМТдаги доимий вакили Чжан Цзюн томонларни босиқликка қақирган ва аксинча, Украинадаги ҳарбий тўқнашувларни тўхтатиш бўйича дипломатик ҳаракатларни тезлатиш керак, деганди.

### НАТОНИНГ ШАРҚИЙ ҚАНОТИ КУЧАЙТИРИЛДИ



НАТО бош қотиби Йенс Столтенберг баёнот беришича, альянс шарқий чегараларда анча кучайтирилди.

“Юқори Кутб кенгликларида то Ўрта Ер денгизига қадар 130та самолёт, 200дан ортиқ кема юқори

жанговар ҳолатда турибди”, — деди Столтенберг 8 март куни Ригада Латвия президенти Эгилс Левитс билан ўтказилган матбуот анжуманида.

Столтенберг “худудда қўшимча минглаб ҳарбий хизматчилар жойлаштирилгани” ҳақида ҳам маълумот берди.

### РОССИЯЛИК САЙЁҲЛАР РЎЙХАТИДА ФАҚАТ 17 МАМЛАКАТ ҚОЛДИ

8 мартдан кейин россиялик сайёҳлар фақат 17 мамлакатга парвоз қилиш имкониятига эга. Йўналишлар рўйхатини Aviasales сервисини эълон қилди.

Россияликлар, биринчи навбатда, Туркияга уча оладилар, чунки Turkish Airlines ва Pegasus Истанбул ва Анталияга қатновларни тўхтатгани йўқ. БААга (Дубай, Шаржа ва Абу-Даби) учиб варианты ҳам сақланиб турибди, негаки парвозларни Emirates ва Air Arabia амалга оширади.

Рус туристлари учун Баҳрайн, Иордания, Қатар, Марокаш, Исроил ва Эфиопияга элтувчи ҳаво йўллари ҳозирча ёпилмаган. Хориж авиакомпаниялари Венесуэла, Мўғулистон, Сербия, Шри-Ланка ва Ироққа ҳам уммоқда. Яқин қўшнилардан Арманистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистонга учиб мумкин, дейилади хабарда.

Ростуризм РФ фуқароларини Россияга қарши санкциялар қўллаган мамлакатларга саёҳат ва иш юзасидан бормасликни тавсия қилди.

Эълон!

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” ги Қонуни 33-моддасига, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сонли қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона нишоннинг 49-бандига мувофиқ, “MARG‘ILON JAVOHIRI” МЧЖнинг маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2018 йил 26 мартда берилган АА серия 0006418 рақамли лицензия 2022 йил 24 февралдаги 2-сонли аризаси берилган санадан бекор қилинди.

### Утганларнинг охири ошди бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазириликни жамоаси “Ўзбектелеком” АК бош директори Назиржон Ҳасановга падари бузруквори НАБИЖОН отанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

“Ўзбектелеком” АК жамоаси компания бош директори Назиржон Ҳасановга падари бузруквори НАБИЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# ТЎРТКЎЛДА ШУНДАЙ БОЗОР БОР

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида ҳам катта ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари авжида. Бу ерда бўлган киши ҳозирги ҳаётбахш ислохотларнинг нафасини ҳар бир жойда сезади, десак асло янглишмаган бўламиз. Бунни, айниқса, тумanning асосий бозорларидан бири бўлган “Тўрткўл савдо комплекси” МЧЖ мисолида ҳам кўриш мумкин.

Замонавий кўринишдаги ушбу бозорда бугунги кунда туман аҳолисига намунали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Сотувчи ва харидорларга янада қулайлик яратиш мақсадида катта кўламдаги қурилиш-бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти.

– Бозорлар азал-азалдан, таъбир жоиз бўлса, элнинг юзини кўрсатадиган жой ҳисобланган, – дейди биз билан суҳбатда “Тўрткўл савдо комплекси” МЧЖ раҳбари Миралибек Сержанов. – Кимнинг қандай яшаётганини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорини бориб кўр, деб халқимиз бежизга айтмаган. Чиндан ҳам бозорларнинг фаровонлиги ва ободлиги эл-юртнинг тўкинлигидан дарак беради. Хабарингиз бор, бугунги кунда бутун мамлакатимиз бўйлаб бозорларга катта эътибор берилмоқда. Туман ҳокими Рустамбек Шомуродов бошчилигида Тўрткўл туманида ҳам бу борада сезиларли ишлар қилиняпти.

Бозорларимиз тўкинлигини таъминлаш, ташир буюрувчилар учун шарт-шароитларни яратиш олдимизга қўйган юксак мақсадларимиз ҳисобланади. Худо хоҳласа, бу мақсадларни амалга ошириб, эл-юрт олдида юзимиз бундан-да ёруғ бўлади.

Тўрткўл тумани нафақат мамлакатимиз, балки кўшни Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларда ҳам маълум машҳур десак, янглишмаган бўламиз. Не-не азиз авлиёларга, алломаларга бешик бўлган бу туманда Отажон Худойшукуровдай донғи кетган санъаткорлар етишиб чиққан бўлиб, бугунги кунда қадим илдишларидан узилмаган ҳолда тараққиёт сари юз тутиб бормоқда.

Савдо комплекси ҳудудига жами 1011та тургун савдо шохобчаси мавжуд бўлиб, тадбиркорлар билан 778та инфратузилма шартномаси расмийлаштирилган. Тадбиркорлар томонидан харидорларга кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший ва хўжалик моллари, умумий овқатланиш объектлари хизмат кўрсатмоқда. Савдо-сотиқ ишлари маҳсулот турларига қараб расталарга ажратилган бўлиб, бу харидорларга янада қулайлик яратишга хизмат қилган, яъни аралаш-қуралаш савдо йўлга қўйилмаган.




## “

**БОЗОРЛАРИ – МИЗ ТЎКИНЛИ – ГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ТАШРИФ БУЮРУВЧИЛАР УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ ОЛДИМИЗГА ҚЎЙГАН ЮКСАК МАҚСАДЛАРИМИЗ ҲИСОБЛАНАДИ. ХУДО ХОҲЛАСА, БУ МАҚСАДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ, ЭЛ-ЮРТ ОЛДИДА ЮЗИМИЗ БУНДАН-ДА ЁРУҒ БЎЛАДИ.**

– Харидор ва тадбиркорларга намунали хизмат кўрсатиш фаолиятимиздаги устувор вазифа саналади, – дейди Миралибек Сержанов. – Шуни эътиборга олган ҳолда келгусида 1 миллиард сўм кредит олиб, янада қулай шарт-шароитлар яратишни режалаштирганмиз. Айни пайтда режалаштирилган ишларни босқичма-босқич бажариб бораёلمиз.

Миралибек ака билан комплексни айланар эканмиз, яна



бир бунёдкорликнинг устидан чиқдик. Гап шундаки, ҳозирда Президентимиз томонидан хунармандчиликка берилаётган юксак эътибордан келиб чиққан ҳолда савдо комплекси ҳудудига миллий услубдаги хунармандчилик бозорчаси қуриб битказилибди. 247 миллион сўмлик 11та тургун савдо шохобчаси, 148 миллион сўмлик 138 ўринли ёпиқ типдаги савдо павильони, 85 миллион сўмлик брусчатка ётқизиш ишлари амалга оширилиб, барча шароитларга эга миллий кўринишдаги мўъжаз бозорча хунармандлар ихтиёрига топширилган экан. Ҳозир бу ерда хунармандларнинг ўзлари ясаган маҳсулотларни сотишга барча имкон бор.

– Савдо комплексимизда шунингдек, 16та тургун савдо шохобчаси ҳам қурилиб, тадбиркорлар ихтиёрига берилди, – дейди суҳбатдошимиз. – Айни пайтда ҳам бундай шохобчаларни қуриш ишларини давом эттиряймиз. Тадбиркорлар билан ўзаро маслаҳатлашган ҳолда ҳомийлик ҳисобидан бостирма қурилди. Бу билан эса сотувчи ва харидорларга ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам савдо қилишлари учун имкон яратилди. Шунингдек, ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб, қолаверса, юзага келиши мумкин бўлган турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тўлиқ кузатув камералари билан жиҳозланди. Юртдошларимизда автоуловлар борган сари кўпайиб бораётган ҳозирги пайтда автотураргоҳни барпо қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Шуни

эътиборга олган ҳолда 9480 кв.м ер майдонида барча талабларга жавоб берадиган автотураргоҳ барпо қилишга ҳаракат қилдик. Банкдан кредит олиб, аниқ лойиҳавий ечим асосида текислаш, қум-шағал ва шебень ётқизиш ҳамда бетонлаш ишларни олиб бордик ва тадбиркорлар ҳамда аҳоли учун фойдаланишга топширдик.

Суҳбатимиз давомида билдикки, Миралибек Сержанов учун ушбу комплекснинг бутун фаолияти беш қўлда аён бўлиб, келгуси истиқболи бўйича ҳам аниқ режага эга. Мутахассислиги ҳисобчи-иқтисодчи ва ҳуқуқшунос бўлган бу инсон 2012 йилдан буён ушбу комплексга раҳбарлик қилиб келмоқда экан. Тумандаги савдо базаларида ҳисобчи бўлиб ишлаган ва кейинчалик ички ишлар тизимида фаолият олиб бориб, масъулиятли лавозимларда ишлаган Миралибек ака бутун куч-ғайратини учун савдо комплекси ривожини ушбу бағишлаган.

– Менинг тинч-хотиржам ишлашимда оиламдаги муҳитнинг ҳам ўрни жуда катта, – дейди суҳбатдошимиз. – Ота-онам Тўрткўл туманида туғилиб, шу туманда яшаб ўтган фидойи инсонлар эди. Отам Ҳосилбек Сержанов мустақилликнинг илк йилларида Олий Мажлис депутати бўлиб фаолият юритган, эл-юрт ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган инсон эди. Кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси эътиборга олинди, “Кишлоқ хўжалиги ходими” унвони билан тақдирланган эди. Маҳалла оқсоқоли бўлиб фаолият юритганда ҳам кўп хайрли ишларга бош-қош бўлгани сабабли ҳозиргача одамлар элнинг кайвониси сифатида жуда яхши хотиралар билан эсга олишади. Онам Айхон ая бутун умрини оиласига, фарзандларига бағишлаган фидойи, жонкуяр инсон эди. Отам иккаласи катта бир оилани аҳилликда бошқаришиб, 10 нафар фарзандларини ўқимишли, эл-юрт корига ярайдиган ҳалол инсонлар қилиб тарбиялаганлар. Ҳар биримизнинг ўзига хос характеримизни, дунёқарашимизни тўғри тушунган, англаган ҳолда таълим-тарбия бериб, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга имкон яратиб берганлар. Бугун ўзим ҳам оиламдан тиниб-тинчиганман. Турмуш ўртоғим Гўлжамила Қурбонова билан тўрт нафар ўғлимизни эл-юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбияладик. Ҳозир улардан икки нафарини менинг изимдан бориб, ички ишлар ходими бўлган. Бир ўғлим тадбиркор, кичигимиз талаба. Худога шукр, улар бутун ўзларининг иш фаолияти, ўқиши, одоб-ахлоқи билан бизнинг ишончимизни оқлашапти.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,  
журналист

# РОСТГҲЙЛИК, МАСЪУЛИЯТ ВА ТУШУНИШ



Ёшларга 45 йиллик тажрибага эга дастурчидан 6 қимматли ўғит

## 1. Илм зараридан эҳтиёт бўлинг

Бирор нарсани билсангиз, бу нарсаларни билмаслик нимани англатишини тасаввур қилиш деярли мумкин эмас. Бу билимнинг зарар келтириши, сон-саноксиз тушунмовчилик ва самарасизликнинг илдиридир. Мураккабликка одатланган ақлли одамлар бунга, айниқса, мойил бўлиши мумкин.

Агар билим зараридан ҳимоялана олмасангиз, у барча алоқа шакллари, шу жумладан, кодни чалкаштириб юбориши мумкин. Ишингиз қанчалик ихтисослашган бўлса, билмаганлар учун тушунар-сиз усуллардан фойдаланиш хавфи шунчалик юқори бўлади.

Тинловчиларингизни тушуниш устида ишланг. Сиз нима ҳақида гапирётганингизни илк мартада-ёқ билиб олиш қандай эканлигини тасаввур қилишга ҳаракат қилинг.

## 2. Асосларга эътибор қаратинг

Технологиялар доимий равишда ўзгариб туради, аммо дастурий таъминотни ишлаб чиқишда баъзи фундаментал ёндашувлар тенденциялардан ташқарида қолмоқда. Бу ерда узоқ вақт давомида долзарб бўладиган олтига асосий тамойил (принцип) мавжуд:

■ **Жамоа билан ишлаш** – ажойиб жамоалар ажойиб дастурий таъминот яратадилар. Жамоа ишини оддий деб қабул қилманг.

■ **Ишонч** – жамоалар ишонч асосида ишлашади. Сиз билан ишлашни исташадиган даражада ишончли одам бўлинг.

■ **Алоқа** – ҳалол ва фаол мулоқот қилинг.

■ **Консенсус излаш** – бутун жамоани бирлаштириш учун вақт ажратинг. Мунозара ва келишмовчилик сизни яхшироқ ечимга олиб боришига имкон



Жоэл Голдберг:

“Мен Vti3бога қўшилишдан олдин ҳам бу компания юқорда таърифлаган тамойиллар қадрланадиган жой эканлиги ҳақида етарлича билим маданиятига эга эдим. Умид қилманки, ҳар бирингиз Vti3бони дастурий таъминот яратиш учун ажойиб жойга айлантиришда давом этадиган кучли муҳандислик маданиятини сақлаб қолиш масъулиятини ўз зиммангизга оласиз”.

беринг.

■ **Автоматлаштирилган синов** – яхши синовдан ўтган код жамоангизга тез ва ишончли ҳаракатланиш имконини беради.

■ **Тоza, тушунарли ва осон ҳаракатланувчи код** – мижоз сифатида коднинг билан ишлайдиган кейинги ишлаб чиқувчи ҳақида ўйланг. Ўқшш, техник хизмат кўрсатиш ва янгилашда муаммо тугдирмайдиган код ёзинг.

## 3. Соддалаштиринг

Мураккаблик билан курашиш чексиз машғулотдир. Ечимлар имкон қадар содда бўлиши керак. Сизнинг коднинг билан ишлайдиган кейинги одам сиз каби ақлли

эмаслигини тахмин қилинг. Иложига борича камроқ технологиядан фойдаланинг.

## 4. Аввал тушунишга интилинг

Етакчилик, ҳаётни бошқариш, ташкилий бошқарув бўйича америкалик ўқитувчи ва маслаҳатчи Стивен Ковининг етти одатидан бири шундай: “Аввал тушунишга интил ва шундан кейингина – тушунарли бўлади”. Бу тамойил менга яхши тинловчи ва жамоадор бўлиш учун бошқа маслаҳатлардан кўра кўпроқ ёрдам берди.

Агар сиз бошқаларга таъсир қилишни ва улар билан самарали ишлашни истасангиз, аввал уларни тушунишингиз керак. Фикрларингизни ифода этишни бошлашдан олдин уларнинг ҳис-туйғуларини, ғоялари ва нуқтаи назарларини тушуниш учун диққат билан тинланг.

## 5. Уланишда эҳтиёт бўлинг

Дастурий таъминотни ишлаб чиқишда инқилоб қилишни ваъда қиладиган янги маҳсулотлар мунтазам пайдо бўлмоқда. Дастурий таъминотни ишлаб чиқишнинг автоматлаштириш воситалари (CASE), фойдаланишга тайёр технологиялар (COTS), PeopleSoft ва SAP каби корпоратив ресурсларни режалаштириш маҳсулотлари ва ҳа, ҳатто Ruby. Агар уларнинг яхлит фалсафасига ишонсангиз, улар ҳаражатлар ва вақтнинг ажойиб қисқаришини даъво қилишади.

Ҳар доим ҳам аниқ бўлмаган нарсас, бу сиз дуч келишингиз мумкин бўлган сезиларли ҳаражатлар ёки чекловлардир. Уланиш муаммолари одатда сотувчилар билан юзага келади, аммо улар фреймворклар (дастурий таъминот тизи-

мининг тузилишини белгилайдиган дастурий платформа тизими) билан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда, уланиш келажакдаги ўзгаришлар учун катта ҳаражатларни англатади. Оқилона танлов қилинг. Янги сиз ҳар доим ҳам яхши дегани эмас.

## 6. Ростгўй бўлинг ва масъулиятни ҳис қилмасангиз, тан олинг

Карерангизнинг қайсидир нуқтасида ўзингизга мос келмайдиган лавозимга тушиб қолишингиз мумкин. Мос келмаслик характердаги кўсур эмас. Бу эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган муаммо. Бунинг бир нечта ечимлари бўлиши мумкин: сиз ўзгариштирингиз ёки вазифаларингиз бошқача бўлиши мумкин. Хулоса шундаки, ўзингизни тинглаш, нима бўлаётганини тушуниш ва носоглом вазиятдан чиқиш.

Мен GMда ишлаганимда, у ерда юқорига кўтарилишга – кўпроқ одамларни бошқаришга ёки каттароқ ва мураккаб лойиҳаларни амалга оширишга интилмаслик ёмон амалиёт деб ҳисобланарди. Кўпчилик учун бу бахтсиз мартаба йўлининг сабабчиси бўлди.

EDSда эса маданият бошқача эди. Одамлар бошқарув лавозимларини эгалладилар ва уларни рад этдилар. Стратегик режалаштириш бўйича мутахассисдан маҳсулот менежери ёки ишлаб чиқувчига ўтиш стигматизация қилинмади. Мен пирамиданинг энг юқори поғонасидан лойиҳа даражасида ишлаб чиқувчи позициясига ўтиб, ушбу моллашувчанликдан фойдаланганлардан бири эдим.

Мен бу танловларнинг тўғрилигига ҳеч қачон шубҳа қилмаганман.

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

<p><b>MUASSIS:</b></p> <p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p><b>Bosh muharrir:</b> Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>	<p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p>		<p><b>MANZILIMIZ:</b></p> <p>100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori).</p> <p>Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Obuna indeksi — 228.</p>	
	<p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Usmonjon YO'LDOSHEV.</p>	
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>	<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>	<p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>	<p>Г-359 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi А-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3332</p>	<p><b>ISSN 2010-6424</b></p> <p>Bosishga topshirildi — 17<sup>00</sup> Bosishga topshirish vaqti — 24<sup>00</sup></p>
<p>Viloyat muxbirlari:</p> <p>Andijonda (74) 226-47-80    Buxoroda (99)854-7305    Jizzaxda (94) 199-95-64    Namanganda (91) 353-71-25    Navoiyda (79) 225-91-10    Nukusda 554-35-45    Samarqandda (91)557-84-44    Termizda (99)508-30-52    Toshkentda 234-18-59    Urganchda (97) 211-65-05    Farg'onada (73) 244-18-05    Qarshida (93)931-08-99</p>				